

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
Кўқон университети ректори  
Ш. Мустафакулов**

---

**2021 йил** \_\_\_\_\_

**КЎҚОН УНИВЕРСИТЕТИДА ЎҚУВ ЖАРАЁНИГА  
ECTS КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ  
ТҮҒРИСИДА**

# **НИЗОМ**

*Кўқон университети Кенгашининг 2021 йил 6 майдаги  
10-сон баёни билан тасдиқланган*

**КЎҚОН – 2021**

**Кўқон университетида ўқув жараёнига ECTS кредит-модуль тизимини  
жорий этиш тўғрисида**  
**НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1.1. Мазкур Низом Кўқон университетида (кейинги ўринларда – университет деб юритилади) ўқув жараёнига ECTS (European Credit Transfer and Accumulation System) асосида таълимнинг кредит-модуль тизимини жорий этиш тартибини белгилайди.

1.2. Таълимнинг ECTS кредит-модуль тизими фан бўйича белгиланган кредитларни йиғиш ва кўчиришнинг талабага йўналтирилган тизими бўлиб, ўқитиш, таълим олиш ва баҳолашнинг шаффофлик тамойилларига асосланган. ECTS кредит-модуль тизими талabalарга ички ва хорижий давлатлар ОТТлари ўртасида академик малакаларини ошириш, таълимда мослашувчанликни кучайтириш, чет элда олган билимларини тан олиш учун яратилган ҳамда ўзида таълим йўналишлари ўқув режаларида танлов фанларини мужассамлаштирган тизим. Унинг мақсади таълим дастурларини режалаштириш, етказиш ва баҳолаш ҳамда талabalар мобиллигини осонлаштиришдан иборат. Кредит тизимида таълим дастуридаги таълим элементлари маълум микдордаги ўлчов бирликларига (академик кредитларга) тақсимланади ва талaba ушбу академик кредитларни муайян таълим даражасига эришиш мақсадида турли комбинацияларда (қўшма таълим дастурлари асосида), вақтларда ва жойларда йиғиб бориши имкониятига эга бўлади.

1.3. Университетда таълимнинг ECTS кредит-модуль тизимини жорий этишининг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси талablари асосида таълим сифатини ошириш, олий таълимнинг халқаро стандартлари даражасида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, талabalарнинг нуфузли хорижий олий таълим муассасаларига ҳамда хорижий талabalарнинг миллий олий таълим ташкилот (ОТТ)ларига эркин мобиллигини таъминлаш ва ОТТларнинг комплекс қўрсаткичлари ва академик кредитларни халқаро майдонда ўзаро тан олишга эришиш;

Университетнинг рейтинг қўрсаткичларини ошириш, келажакда халқаро рейтингда энг илғор университетлар биринчи мингталигидан муносиб ўрин эгаллашига пухта замин яратиш, кадрлар истеъмолчилари, иқтисодиёт тармоқларининг реал талablари ва технологиялар ўзгарувчанлигига ўз вақтида самарали мослашувчанлигини таъминлаш;

ривожланган давлатлар олий таълим ташкилотларининг илғор тажрибалари ва тавсияларидан фойдаланган ҳолда халқаро таълим стандартларини жорий қилиш, малакали профессор-ўқитувчилар билан таъминлаш, сифатли ўқув дастурлари ва ўқув материалларини ишлаб чиқиш орқали таълим сифатини ошириш;

хорижий ҳамда маҳаллий олий таълим ташкилотлари билан талабалар, профессор-ўқитувчилар, илмий изланувчиларнинг алмашинув дастурларини кенгайтириш;

замонавий таълим технологиялари ва ўқув жараёнларини ташкил этишнинг самарали шаклларини ўзлаштириш орқали педагог кадрлар салоҳиятини оширишга кўмаклашувчи рақобат муҳитини яратиш;

талабага таълим йўналиши ўқув режаси асосида ўқув дастурларини (фанларни танлаш орқали) мустақил шакллантириш имкониятини яратиш ҳамда билимини баҳолашнинг ошкоралиги ва шаффофлигини таъминлаш.

## **2-боб. Асосий тушунчалар**

2.1. Ушбу Низомда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**GPA (Grade Point Average)** – таълим олувчининг дастур бўйича ўзлаштирган баллари ўртacha қиймати бўлиб, у қўйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$GPA = \frac{K_1 * B_1 + K_2 * B_2 + K_3 * B_3 \dots + K_n * B_n}{K_1 + K_2 + K_3 \dots + K_n}, \text{бунда}$$

К - ҳар бир фан/модулга ажратилган кредитлар миқдори;

В - ҳар бир фан/модуль бўйича талаба тўплаган баҳо.

**модуляр кредит тизими** - модуль (фанлар) учун ажратилган умумий юклама соатидан келиб чиқиб, кредит миқдорларини стандарт бирликлар ва стандарт карраларда тақсимлаш;

**модуляр бўлмаган кредит тизими** - модуль (фанлар) учун ажратилган умумий юклама соатидан келиб чиқиб, кредит миқдорларини стандарт бўлмаган бирликлар (ҳар хил сонлар)да тақсимлаш;

**академик мобиллик** – университет талабалари ёки профессор-ўқитувчиларининг муайян вақт мобайнида республика ҳудудидаги ёки чет элдаги бошқа бир ОТТга ўқиш ёки дарс бериш мақсадида бориши.

**мобиллик дастури** – икки ёки ундан ортиқ ОТТ ўртасида ўзаро таълим тўғрисидаги келишув асосида ташкил этилган академик мобиллик дастури;

**академик кредит** - таълим олиш натижалари асосида ўқитиши ҳажми ва у билан боғлиқ меҳнат ҳаражатлари. Кредитлар қоидага мувофиқ бутун сонларда ифодаланади, каср сонларда ҳам ифодаланиши мумкин;

**фокус-гурух** – мониторинг ўтказиши мақсадида академик гуруҳлар ичидан танлаб олинган гуруҳлар;

**малака берувчи таълим ташкилоти** – белгиланган миқдордаги кредитларни тан олишни ҳисобга олган ҳолда таълим ва малака тўғрисида ҳужжат берувчи ташкилот;

**академик кредитларни бериш** – малака ёки унинг алоҳида қисмларига қўйилган талабларга мувофиқ эришилган таълим олиш натижаларига кўра талаба ёки бошқа таълим олувчиларга кредитларни расмий тақдим этиш жараёни;

**академик кредитларни кўчириш** – малакага эга бўлиш мақсадида бир таълим ташкилоти, таълим дастурида олинган кредитларни бошқа таълим ташкилотига кўчиришда тан олиш, талабаларни академик мобиллигини таъминлаш мақсадида академик кредитларни қабул қилувчи олий таълим ташкилоти ва жўнатувчи олий таълим ташкилоти ўртасида келишувга асосан академик кредитларни кўчириш ва тан олиш;

**академик соат** – маъруза, лаборатория, семинар, студия ва амалий машғулотлар ҳамда амалиётларнинг 1 академик соати 40 дақиқага тенг;

**академик кредит тўплаш** – таълим элементларини ўзлаштириш ва бошқа ютуқларга эришиш натижасида тақдим этиладиган кредит бирликларини тўплаш;

**талабанинг шахсий таълим траекторияси** – талаба томонидан танланган ҳамда унга кетма-кетликда билимлар тўплаш ва хоҳлаган компетенциялар йифиндисига эга бўлиш имкониятини берадиган йўналиш (маршрут). Таълим траекторияси институционал раҳбарий ҳужжатлар ва йўриқномалар ёрдамида тузилиши мумкин ҳамда турли таълим траекториялари натижада бир хил малака олишга олиб келиши мумкин. Умуман, талабанинг шахсий таълим траекторияси концепцияси, мазмун-моҳияти жиҳатидан хоҳлаган таълим мақсадларига эришиш бўйича талаба танловини англаради;

**академик маълумотнома (транскрипт)** – ўзлаштирилган фанлар, тўпланган академик кредитлари миқдори, олинган баҳолар акс эттириладиган талабанинг академик ўзлаштириши бўйича гувоҳнома;

**таълим дастури** – бакалавр таълим йўналиши ёки магистратура мутахассислиги бўйича ўкув жараёнини амалга оширишга мўлжалланган таълимнинг асосий хусусиятлари (ҳажми, мазмuni, режалаштирилган натижалар), ташкилий-педагогик шарт-шароитлар, ўкув дастурлари (силлабус)га қўйилган умумий талаблар, шунингдек таълимни ташкил этиш ва амалга ошириш учун зарур бўлган ахборот-ресурс ва ўкув-услубий кўрсатмалар мажмui;

**таълим дастури каталоги** - университет тавсифи, кредит-модуль тизимида кириш, мавжуд таълим йўналишлари ва мутахассисликлари, хизматлар ва ресурслар, ўкув фанлари дастурлари, аниқ таълим дастурлари элементлари тавсифи тўғрисида ахборот;

**таълим натижалари** - талаба томонидан ўзлаштирилган ва баҳо билан тасдиқланган малака даражасини акс эттирадиган, таълим жараёнини муваффақиятли тугаллагач, ўзлаштирган кўникмалари ва уларни амалда бажариш қобилиятининг тавсифи;

**ўқиши юкламаси** – талаба томонидан ўкув фаолиятининг барча турлари маъруза, амалий машғулот, семинар, лаборатория иши, курс лойихаси (иши), амалиёт ва мустақил ишни амалга ошириш асосида кутилган ўкув натижаларига эришиш учун зарур бўлган соатлар ҳажми;

**оралиқ имтиҳон** – тегишли фандан талабалар билимини маълум муддат

оралиғида баҳолаш;

**якуний имтиҳон** – оралиқ баҳолашдан кейинги ўзлаштирган билимларини баҳолаш тури;

**вазифа/топшириқлар** – фанларнинг муайян контентини талаба томонидан, ташаббус қўрсатган ҳолда, мустақил бажариладиган фаолиятнинг шакли. Мустақил иш мавзуларини фан ўқитувчиси беради ёки талаба мустақил фан хусусиятидан келиб чиқиб танлайди;

**лойиха** – фан ўқитувчиси томонидан муайян талабага ёки талабалар гурухига берилган топшириқнинг шакли. Тақдимот-лоиха топшириқларини фан ўқитувчиси беради ёки талаба ва талабалар гурухи ўзи танлайди;

**имтиҳон назоратчisi** – оралиқ, якуний ва бошқа назорат турларини ўтказишда имтиҳонда қатнашиб, тартиб ва назоратни таъминлашга ёрдам берадиган персонал;

**ўзлаштириш қайдномаси** – муайян фан бўйича гурухнинг ўзлаштириш қўрсаткичларини акс эттирувчи таълим фаолияти натижаларига оид ҳужжат;

**талабаларга хизмат кўрсатиши департаменти** – таълим жараёнларини бошқариш ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотлардан фойдаланиб, профессор-ўқитувчилар, ходимлар, талабаларнинг таълим жараёнига оид маълумотлар базасини шакллантирувчи, барча ўқув натижаларини рўйхатга оловчи ва билимларни назорат қилувчи, уларнинг академик рейтингини хисоблашнинг барча турларини ташкил этишни кўзда тутувчи хизматларни тақдим этувчи ходимлар фаолият юритувчи департамент;

**таълим элементлари** – таълим дастурининг бир қисми бўлиб, таълим олиш натижаларига эришиш ва таълим дастурида қўрсатилган билимларни ўзлаштиришга кўмаклашувчи ўқитиш тури.

### **3-боб. Таълим йўналиши мутахассислик ўқув режаларининг дастури тузилмаси**

Ўқув режалари тузилмаси бакалавриат босқичида 3, 4 йиллик, магистратурада 1, 2 йиллик академик модуллардан иборат таълим элементларидан ташкил топган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда университет Кенгаши томонидан тасдиқланади. Ўқув режа аудитория машғулотлари, илмий лойиҳалар, мустақил таълим, ишлаб чиқариш амалиёти ва бошқа таълим элементларидан иборат бўлиши мумкин. Тузилмалар таълим олиш натижаларига мос бўлган ва академик кредитларда ифодаланган ижтимоий ва жамоат фаолиятини қамраб олиши мумкин.

3.1. Ўқув режаси тузилмаси унинг ҳар бир таълим элементига мос келадиган таълим олиш натижалари (камида 5 та кўрсаткич)ни қўрсатган ҳолда, бир академик ўқув йилига 60 академик кредит мос келишини ҳисобга олиб ишлаб чиқилади. Унда академик кредитларнинг миқдори сарфланадиган ўқиш юкламаси асосида кўрсатилади.

3.2. Талабаларнинг ўқув режасида акс этган модулларни муваффақиятли ўзлаштиришлари ҳамда талаб қилинган малакага эга бўлишлари учун талаблар аниқ белгиланади. Ўзлаштириш қоидалари танланган ўқув режаси бўйича ўқитишининг турли босқичлари учун белгиланган академик кредитлар миқдорида ёки академик кредитлар оралиғида ифодаланиши мумкин.

3.3. Таълим йўналиши ўқув режалари талабалар томонидан муваффақиятли бажарилишига ёрдам бериш учун университетнинг тегишли департаментлари ва ходимлари, шу жумладан таълимнинг кредит тизимини бошқаришга масъул департамент ёки марказ, йўналиш менежерлари томонидан маслаҳат ва тушунтиришлар бериб борилади. Маслаҳат доирасида талабаларга таълим олиш натижасида эришган ютуқлар ва тажрибаларни тан олиш имкониятлари тушунтирилади.

3.4. Университет таълим дастури каталоги ва ўқитиши шароитлари тўғрисидаги батафсил маълумотлар ҳамда долзарб ахборотларни ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ таълим бериладиган барча тилларда (ўзбек, рус, инглиз ва бошқа тил) университет веб-саҳифасига қулай юкландиган форматда ўқув йили бошланишидан 1 ой олдин жойлаштирилиши ва эълон қилиб борилиши лозим.

3.5. Таълим элементларининг амалга оширилишига масъул профессор-ўқитувчилар таълим дастурида кўрсатилган натижалар билан таълим бериш ҳамда баҳолаш жараёнлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлашлари лозим.

#### **4-боб. Ўқув жараёнини режалаштириш, мониторинг қилиш ва таълим сифатини таъминлаш**

4.1. Ўқув жараёни ўқув ва назорат тадбирлари мажмuinи ўз ичига олади. Ўқув тадбирларида барча турдаги аудитория машғулотлари, амалиёт ва мустақил ишларнинг ташкил этилиши назарда тутилади. Назорат тадбирлари таълим олувчиликнинг ўқув режасидаги тегишли фанлар бўйича билимларни ўзлаштириши ва уларнинг натижаларини баҳолашни кўзда тутади.

4.2. Ўқув жараёни талабалар, иш берувчилар, ўқитувчилар ва маъмурият ўртасида очиқ мулоқот шаклида талабага йўналтирилган ёндашув асосида таълим стандартларини инобатга олган ҳолда режалаштирилади. Ушбу жараёнда иш берувчилар ва талабаларнинг талаб ва истаклари муҳокама қилинади. Барча манфаатдор томонлар таълим дастурининг яратилиши ва ўзлаштирилишининг конструктив муҳокамасига жалб этилиши мумкин. Бундай баҳсларда талабалар вакиллари овоз бериш ҳуқуқи орқали иштирок этишлари мумкин.

4.3. Ўқув жараёнини режалаштириш қўйидаги босқичлардан иборат бўлади:

Ўқув режа ва фанлар каталогини илгор хорижий таълим тажрибалари асосида республика иктисадиёти соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар, кадрлар истеъмолчилари талаблари ва миллий қадриятларни эътиборга олган

ҳолда ишлаб чиқиш ҳамда қўшимча равишида ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ танлов фанлар каталогини шакллантириш, маҳаллий ва хорижий янги авлод адабиётларига таянган ҳолда фанлар каталоги бўйича намунавий фан дастурларини ишлаб чиқиш;

фан дастурлари (силлабус)ни ишлаб чиқиш;

ўқув режа ва танлов фанлари рўйхатига мос равишида академик ишлар департаменти, талабаларга хизмат кўрсатиш департаменти ва факультет назорати остида ҳар бир талабанинг шахсий таълим траекториясини шакллантириш;

ўқув режаларини тузиш;

ўқув жараёни жадвалини тузиш;

гурухлар бўйича ўқув машғулотларининг жадвалини тузиш.

4.4. Семестр давомида талаба томонидан тўпланиши лозим бўлган академик кредитлар миқдори ўқув режада кўрсатилган мажбурий ва танлов фанларни ўз ичига олади. Танлов фанлар таркиби ва уларни ўрганишга ажратиладиган академик кредитлар миқдори университет Кенгаши томонидан белгиланади. Талабалар шахсий таълим траекторияси доирасида танлов фанларини мустақил танлаши мумкин.

4.5. Ўқув йили давомийлиги 32 ҳафтагача бўлиб, шундан 30 ҳафтаси академик давр, 2 ҳафтаси имтиҳон. Ўқув йили давомийлиги ўқув жараёни жадвалига мувофиқ университет кенгаши қарори билан ўзгартирилиши мумкин.

Университетда 1 академик кредит 30 академик соатлик ўқиш юкламасига тенг. Яъни, талаба муайян фандан тегишли академик кредитларни тўплаши учун маълум миқдордаги ўқиш юкламасини бажариши зарур. Ўқиш юкламасининг 40 фоизи аудитория, 60 фоизи мустақил соатга (малакавий амалиёт бундан мустасно) бўлинади. ECTS кредит-модулнинг соатлардаги миқдори ва ўқиш юкламаси миқдори Кенгаш томонидан белгиланади ва университет веб саҳифасида жойлаштирилади.

Бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларида талаба одатда бир семестрда 30 академик кредит, бир ўқув йилида 60 академик кредит тўплаши белгиланади. Семестр давомида талаба томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган академик кредитлар ҳажми ўқув режада кўрсатилган мажбурий ва танлов фанларини ўз ичига олади. Талаба ўзининг шахсий таълим траекториясини шакллантиришда ҳар бир семестр учун 30 академик кредит ҳажмдаги фанларни ўзлаштириши ва улар таркибида ўқув режасидаги мажбурий фанлар бўлишини инобатга олиши шарт.

Талаба бакалавриатда ўқиш муддати 3 йил бўлганда 180, ўқиш муддати 4 йил бўлганда 240 академик кредит тўплаши зарур. Магистратурада ўқиш муддати 1 йил бўлганда 60, ўқиш муддати 2 йил бўлганда 120 академик кредит тўплаши талаб этилади.

4.6. Ўқув жараёнининг мониторинги таълим олишнинг белгиланган натижаларига эришилганлиги, номинал меҳнат ҳажми ҳамда уларнинг ҳаққонийлиги ва мослигини баҳолаш мақсадида ўтказилади.

Мониторинг сўровнома, фокус-гурух, интервью олиш ёки эришилган натижаларни таҳлил қилиш ва бошқа усулларда амалга оширилиши мумкин.

4.7. Таълим сифати самарадорлигини таъминлаш университет томонидан амалга ошириладиган таълим йўналишлари ва мутахассисликлар таълим дастурининг ваколатли ташкилотлар тавсифномалари ва талабларига мосликни таъминлаш жараёнларини ўз ичига олади.

Таълим сифатини ошириш ва профессор-ўқитувчилар ўртасида рақобатни шакллантириш мақсадида, талабаларга фан доирасида профессор-ўқитувчиларни танлаш имконияти берилади. Бунда, талабалар ўқув семестр бошида ахборот тизими портали орқали рўйхатдан ўтиб, 1 ҳафта муддат давомида ўзи танлаган профессор-ўқитувчининг дарс машғулотида иштирок этиши мумкин.

4.8. Ўқув йили давомида бартараф этилмаган академик қарздорлик мавжуд модуль (фан)ни ўзлаштириш навбатдаги семестрлар давомида босқичма-босқич амалга оширилади. Бунда бир модуль (фан) доирасида талабага бир маротаба бепул қайта ўзлаштириш имконияти берилади, агар талаба ушбу имкониятдан фойдалана олмаса қўшимча тўлов эвазига шартномага асосан модуль (фан)ни қайта ўзлаштириш ва имтиҳонларни топширишга рухсат берилади. Бунга кўра:

- Ўқув семестрида 30 кредит қийматга эга бўлган ўқув фанлари (модуллар) ўзлаштирилади. Ихтиёрийлик асосида навбатдаги ўқув семестрига қўшимча равишда олдинги ўқув семестрида ўзлаштирилмаган **3 та** фандан (модул) ошмаган ҳолда ўқув фанларини ўзлаштириш мумкин. Бунда, ўқув семестрида кўпи билан **30+18 (олдинги семестрдан қолган қарздорлик) = 48 кредитгача** қийматга эга фанларни ўзлаштиришга йўл қўйилади;

- Ўқув йили давомида бартараф этилмаган академик қарздорлик мавжуд модуль (фан)ни ўзлаштириш навбатдаги семестрлар давомида босқичма-босқич амалга оширилади. Бунда бир модуль (фан) доирасида талабага бир маротаба бепул қайта ўзлаштириш имконияти берилади, агар талаба ушбу тақдим этилган имкониятдан фойдалана олмаса қўшимча тўлов эвазига шартномага мувофиқ модуль (фан)ни қайта ўзлаштириш ва имтиҳонларни топширишга рухсат берилади. Ушбу ҳолатда талаба деканат томонидан тасдиқланган вактда 2 турдаги имтиҳон топширади ва унда 2 имтиҳоннинг ҳар биридан 60 % дан кам бўлмаган миқдорда умумий 36 балл ва ундан юқори кўрсаткичга эга бўлиши лозим;

- Талабанинг ўзлаштира олмаган фанлари сони бир ўқув йили давомида беш ва ундан ортиқ бўлган ҳолатда курсдан-курсга ўтказилмайди;

- Ўқув йилининг оҳирида ёзги ва қиши мактаб ташкил этилади мазкур мактабда фанлардан қарздор бўлган талabalар шартнома асосида интенсив курсларда қатнашиш имконияти берилади;

Ўқув йилининг давомийлиги академик тақвим асосида йўналишлар, мутахассисликлар ва курслар кесимида белгиланади.

## **5-боб. Академик мобиллик ва академик кредитларни тан олиш**

5.1. Академик мобилликни таъминлаш ва талабанинг академик кредитлари тан олиниши қуйидаги хужжатларга асосланади:

фанлар каталоги;

белгилangan шаклдаги таълим тўғрисидаги келишув, маълумотнома ва сертификат.

Мазкур хужжатлар таълим олиш натижаларини акс эттиради ва малака берувчи таълим ташкилотига академик кредитларни тан олиш ва кўчириб ўтказиш учун асос ҳисобланади.

5.2. Талаба томонидан таълим олиш натижасига мос келувчи бошقا таълим ташкилоти таълим дастурида эришилган ютуқлари учун ўзлаштирилган академик кредитлар миқдори ОТТда белгилangan таълим олиш натижаларига ўзлаштириладиган академик кредитлар миқдорига тенг ҳисобланади.

5.3. Талаба академик мобилликни амалга ошириш учун жўнатувчи ОТТнинг тавсиясига асосан қабул қилувчи ОТТга зарур хужжатларни топширади. Жўнатувчи ОТТ томонидан талабага З-иловада келтирилган наъмунадаги транскрипт тақдим этилади.

5.4. Талабанинг академик мобиллик даврида ўзлаштирилиши белгилangan таълим элементларини жўнатувчи ОТТнинг розилигисиз ва у билан келишилмасдан ўзгартириш мумкин эмас. Хориждаги ҳамкор ОТТлар, марказлар ва ташкилотларнинг таълим дастурларида белгилangan таълим олиш натижалари жўнатувчи ОТТнинг таълим дастури бўйича таълим олиш натижаларига мос келиши ёки уларни тўлдириши лозим.

5.5. Университет томонидан ўзлаштириладиган ўқув элементларининг тўплами ва уларнинг университет таълим дастурига интеграция қилинганлиги таълим тўғрисидаги келишувда аниқ кўрсатилган бўлиши лозим. Университетда ўзлаштириладиган академик кредитлар миқдори хорижда ўқиш даврига (3-6 ой ёки 1-3 йил) мутаносиб бўлиши керак. Жўнатувчи ОТТ томонидан мобиллик даврида талаба ўзлаштирган (тўлиқ ёки қисман) академик кредитлари тан олинади. Талаба жўнатувчи ОТТга қайтиб келгач, мобиллик даврида тўпланган академик кредитлар миқдоридан келиб чиқсан ҳолда амалдаги тартиб-қоидалар асосида уни кейинги курсга ўтказиш ёки курсда қолдириш белгиланади.

5.6. Университет академик мобиллик дастури бўйича режалаштирилган таълим элементларини ўзлаштириш учун талабани белгилangan шакл асосида

фанларга рўйхатдан ўтказади ва мобиллик даврида ушбу элементларнинг ўзлаштирилишини таъминлаш мажбуриятини олади.

5.7. Ҳамкор университетлар, марказлар ва ташкилотлар билан биргаликда ишлаб чиқилган таълим дастурлари доирасида академик мобиллик учун таълим тўғрисидаги келишувлар тузилиши зарур ҳисобланмайди.

5.8. Таълим тўғрисидаги келишувга мувофиқ академик мобиллик даврида талабанинг ўзлаштириш кўрсаткичлари ушбу Низомнинг 4-5-иловалари асосида қабул қилинади.

5.9. Малакавий амалиёт ва хорижий республикаларда ўташ бўйича келишув талаба, университет ва қабул қилувчи ташкилот томонидан уч томонлама имзоланади.

5.10. Малакавий амалиёт давомида талаба томонидан ўзлаштирилган билимларнинг ошкоралигини таъминлаш ва уларни тасдиқлаш мақсадида қабул қилувчи ташкилот томонидан малакавий амалиётни ўтаганлик тўғрисида тақдимнома сертификат берилади.

5.11. Талаба ўқув режасидаги модуль (фан) доирасида халқаро таълим, хусусан Coursera, EdX, Udemy, Future Learn платформаларида курсларни тугатиб, сертификатга эга бўлган тақдирда, унга айнан шу модулдан кредит тақдим этилади ва А+ натижаси билан баҳоланади.

## **6-боб. Баҳолаш, баҳоларни конвертация қилиш**

6.1. Талаба таълимнинг кредит тизимида муваффақиятли таълим олиши учун қўйидаги талабларни бажариши лозим:

- мустақил ишлаши;
- танқидий, креатив ва таҳлилий фикрлай олиши;
- масъулият ва ўзига ишончнинг юқорилиги;
- аниқ мақсад қўя олиши ва шу мақсад сари мустақил ҳаракатланиши;
- ўзи қизиққан касб ва мутахассислигидан келиб чиқиб, фанларни тўғри танлаши.

Ўзлаштириш кўрсаткичи академик кредит тўплаш учун асосий мезон ҳисобланади.

Таълим йўналиши ўқув режасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасида олий маълумот тўғрисидаги хужжат сифатида эътироф этиладиган белгиланган намунадаги диплом олиши учун 240 академик кредит ёки 180 академик кредит (2 GPAдан кам бўлмаган) тўплаши талаб этилади. Ўқув фанидан 50 фоиз ва ундан ортиқ ўзлаштириш кўрсаткичига эга бўлиши билан юқоридаги мезон асосида академик кредит тўплайди.

Мазкур мезондан кам кредит тўплаган ва (ёки) умумий кредит баллари 2 GPAдан кам шкалага эга бўлган талабаларга, таълим йўналиши бўйича, белгиланган шаклдаги сертификат тақдим этилади. GPA кўрсаткичи 2 дан кам

бўлган талабаларга мазкур шкалани кўтариш мақсадида қўшимча фанларни ўзлаштиришлари орқали шартномага мувофиқ ўзлаштириш фанларнинг ўртача нисбатини кўтариш имконияти берилади.

Ўқув семестрида 30 академик кредит қийматга эга ўқув фанлари ўзлаштирилиши лозим. Ихтиёрийлик асосида навбатдаги ўқув семестрига қўшимча равишда олдинги ўқув семестрида ўзлаштирилмаган 12 академик кредит қийматга эга ўқув фанларини қўшимча ўзлаштириш мумкин. Бунда, ўқув семестрида кўпи билан 42 кредитгача қийматга эга фанларни ўзлаштиришга талаб этилади.

Билимни назорат қилиш турлари қуидагилардан иборат:

- жорий баҳолаш (ЖБ);
- оралиқ имтиҳон (ОИ);
- яқуний имтиҳон (ЯИ).

Жорий баҳолаш 40 баллик, оралиқ имтиҳон ва яқуний имтиҳонлар 30 баллик кўрсаткич билан баҳоланади. Ўқув семестри давомидаги ўқув фанининг 100 фоиз ўзлаштириш кўрсаткичининг 60 фоизини оралиқ ва яқуний имтиҳон, 40 фоизини жорий баҳолаш ташкил қиласди.

6.3. Жорий баҳолаш 40 фоизлик кўрсаткич билан баҳоланади. Жорий баҳолаш қуидаги таркибий қисмлардан иборат:

- Workshop – 20%;
- Вазифа/топшириқлар – 10%;
- Лойиха – 10%.

Мустақил иш топшириғи реферат, эссе, индивидуал тақдимотлар, тадқиқот ўтказиш, анкета-сўров, кейс-стади, тест тузиш, масала тузиш, ўқув лойиҳаларини тайёрлаш, корхона ва ташкилотлар фаолиятини таҳлил қилиш, мақола ва тезисларни ўрганиб, хуносалар ёзиш, илмий монографиялар, ўқув адабиётларини ўрганиш ва хуноса ёзиш, таққослаш, илмий-амалий анжуманларга маъруза тезислар ва илмий мақолаларни тайёрлаш, интервью ва турли ахборотларни таҳлил қилиш каби шаклларда берилади.

Лойиха, workshop, педагогик, ижтимоий-иктисодий, демографик, гуманитар ва сиёсий йўналишлардаги муаммолар, стартап ғоялар ва бошқа шу каби шаклларда берилади.

6.4. Оралиқ имтиҳон ўқув семестрининг 8-ҳафтасида бўлиб ўтади. Ундаги саволлар ўқув семестрининг бошидан 8-ҳафтага қадар бўлиб ўтган ўқув машғулотлари ва берилган топшириқлар асосида ўтказилади.

Оралиқ имтиҳон тақдимот, ўқув лойиха, таҳлил, тест, эссе, кейс-стади, ассесмент ва бошқа турдаги ёзма шаклларда ўтказилиши мумкин.

Якуний имтиҳон тури ўқув семестри ва (ёки) модуль якунида ўтказилади.

Якуний имтиҳон ҳар бир модулдан фақат бир марта олинади. Якуний имтиҳон саволлари ўқув семестри давомида оралиқ имтиҳондан кейинги ўтилган мавзулар ва берилган топшириқларни қамраб олади.

Якуний имтиҳон тақдимот, лойиха, ўқув лойиха, таҳлил, тест, эссе, кейстади, ассесмент, баён ёки уларнинг аралаш варианти ва бошқа турдаги ёзма шаклларда ўтказилиши мумкин.

6.5. Модуль (фан) бўйича талаба билимини баҳолаш мезонлари “Университетнинг Академик баҳолаш тартиби”га мувофиқ амалга оширилади.

6.6. Талабанинг ўзлаштириш кўрсаткичлари Низомнинг 4-иловасига мувофиқ конвертация қилинади.

Якуний имтиҳондан олдин тегишли фан ўқитувчиси жорий ва оралиқ имтиҳон бўйича фоизларини ўзлаштириш қайдномасига киритиши шарт.

6.7. Талаба 0-49 оралиғида ўзлаштириш кўрсаткичига эга бўлган тақдирда тегишли фандан ўзлаштирумаган (файл) хисобланади.

Талаба бир фан машғулотларининг 1/3 қисмини сабабсиз қолдирса, ўқиётган семестрида мазкур фандан ўзлаштирумаган (файл) хисобланади.

6.8. Кредит-модуль тизими фаолияти самарадорлигини ошириш талabalарнинг ўқиши модуль (фан)ни ўзлаштириши билан боғлиқ инфратузилма: “Registrar office” хизматлари 7-иловага мувофиқ амалга оширилади.

## **7-боб. Талабаларни ўқишдан четлаштириш, қайта тиклаш, курсдан-курсга ўтказиш механизмлари**

7.1. Талабалар университетдан қуидаги ҳолларда четлаштирилади:

Ўз хоҳишига биноан;

касаллиги туфайли (тиббий комиссия маълумотномаси асосида);

ўқув интизоми ва таълим муассасасининг ички тартиб-қоидаларини мунтазам равишда ёки бир маротаба кўпол равишда бузганлиги учун;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ёки хорижий давлатлар олий таълим муассасасига ўқишини кўчирганлиги учун;

шартнома асосида ўқиётган таълим олувчиilar шартнома билан боғлиқ мажбуриятларни бажармагани учун;

суд томонидан озодликдан маҳрум этилганлиги сабабли;

вафот этганлиги сабабли.

Четлаштирилган талабага белгиланган шаклдаги таълим тўғрисидаги маълумотнома берилади.

7.2. Таълим олувчи Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари асосида ўқишини қайта тиклаш ва кўчириш ҳуқуқига эга. Таълим олувчининг четлаштирилгунига қадар ўзлаштирган кредитлари миқдори университет томонидан тўлиқ ҳажмда ҳисобга олинади.

## **8-боб. Якуний қоидалар**

8.1. Ушбу Низом университетда таълимнинг ECTS кредит-модуль тизимини тартибга солади.

8.2. Мазкур Низомда кўзда тутилмаган ҳолатлар бўйича қарор қабул қилиш ваколати университет Кенгашига юклатилади.

8.3. Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш университет Кенгаши томонидан амалга оширилади.

Кўқон университетида ўқув  
жараёнига кредит-модуль  
тизимини жорий этиш тўғрисида  
низомга  
1-ИЛОВА

### Фанлар каталогида акс эттирилиши лозим бўлган маълумотлар

#### Умумий маълумот:

- ОТТ номи ва манзили;
- ОТТ ҳақида қисқача маълумот;
- ОТТ раҳбарияти;
- ОТТ академик тақвими (календарь);
- ОТТ дастурлар рўйхати;
- ОТТга талабаларни қабул қилиш талаблари, уларнинг рўйхатдан ўтиш тартиби;
- Талабалар алмашинуви доирасида олинган кредитларни эътироф этиш тартиби;
- ECTS кредитлар тақсимоти тамойиллари (қоидалари);
- Академик маслаҳат олиш имконият ва тартиблари.

#### Хизмат ва ресурслар:

- Талабалар масалалари тузилмаси;
- ётоқхона имкониятлари;
- озиқ-овқат сотиб олиш жойлари;
- яшаш харажатлари миқдори;
- талабаларни молиявий қўллаб-куватлаш имкониятлари;
- тиббиёт хизматлари;
- суғурта имкониятлари;
- ногирон ва маҳсус эҳтиёжли талабалар учун хизматлари;
- халқаро талабалар алмашинуви имкониятлари;
- тил курслари;
- ишга жойлаштириш имкониятлари;
- спорт ва ҳордик чиқариш жойлари;
- талабалар ассоциациялари.

#### Ўқув фанлари дастурлари тўғрисида ахборот:

- Кўлга киритиладиган малака;
- дастур давомийлиги муддати;
- талаб этиладиган кредитлар сони;
- эришиладиган таълим даражаси;
- алоҳида қабул талаблари;
- аввал қўлга киритилган таълимни эътироф этиш бўйича қоидалар;
- малака талаблари, қоидалари ва битириш талаблари;
- дастури профили;
- дастурнинг ўқиш натижалари;
- дастур тузилмаси диаграмма шаклида (кредитлар билан);
- ўқиш шакли (кундузги, сиртқи, кечки);

- имтихон қоидалари ва баҳолаш бирликлари;
- мажбурий ёки ихтиёрий талабалар алмашинуви дастурлари;
- амалиёт талаблари;
- ишлаб чиқариш амалиётлари;
- дастур учун масъул шахс;
- битирувчиларнинг касбий профиллари;
- навбатдаги таълим имкониятлари.

**Кўшма дастурларда қўйидаги қўшимча элементлар тавсия этилади:**

- Модуль коди
- модуль номи;
- модуль тури (мажбурий, танлов);
- модулнинг қайси курсда ўқилиши;
- модулнинг қайси семестрда ўқилиши;
- модулга тақсимланган кредитлар сони;
- ўқитувчи исми-шарифи;
- модуль ўқиш натижалари;
- модуль бўйича дарсларни ташкил этиш услуби (аудитория, онлайн);
- фанга рўйхатдан ўтиш шартлари;
- модуль моҳияти;
- тавсия ва талаб этиладиган ўқиш материаллари;
- режалаштирилган ўқув машғулотлари ва ўқитиш услублари;
- баҳолаш мезонлари ва услублари;
- дарслар ўтиладиган тил.

Қўқон университетида ўқув  
жараёнига кредит-модуль  
тизимини жорий этиш тўғрисида  
низомга  
2-ИЛОВА

**Танлов фанлари каталоги шакли**

T/p	Фаннинг номи ва қисқа тавсифи	Кредитлар микдори	Семестр, триместр, чорак	Мустақил ишлиар рўйхати	Профессор-ўқитувчилар: <b>Ф.И.Ш., илмий унвони ва даражаси</b>
<b>Мажбурий фанлар</b>					
<b>Танлов фанлари</b>					

Кўқон университетида ўқув  
жараёнига кредит-модуль  
тизимини жорий этиш  
тўғрисида низомга  
3-ИЛОВА

**Кўқон университетида ECTS тизимига асосланган кредит-модуль тизимидағи  
транскрипт**

**TALABANING SHAXSIY MA'LUMOTI**

F.I.O:

Tug'ilgan sanasi:

Millati:

Jinsi:

**TA'LIMGA OID MA'LUMOTI**

Talaba ID:

Ta'lim turi:

Ta'lim yo'nalishi:

Ta'lim shakli:

Ta'lim tili:

Qabul qilindi:

Kursdan-kursga o'tkazildi:

**Kuzgi**

1-semestr natijalariga ko'ra jami to'planishi mumkin bo'lgan kredit miqdori:

Talabaning 1-semestr yakuniga ko'ra haqiqatda to'plagan kredit miqdori:

№	Fanning kodi	Fanning nomi	O'zlashtirish ko'rsatkichi	Baho	GPA	Kredit
1						
2						
3						
4						
5						
6						

**Semestr bo'yicha GPA:**

**Semestr bo'yicha o'rtacha o'zlashtirish:**

**Bahorgi**

2-semestr natijalariga ko'ra jami to'planishi mumkin bo'lgan kredit miqdori:

Talabaning 2-semestr yakuniga ko'ra haqiqatda to'plagan kredit miqdori:

№	Fanning kodi	Fanning nomi	O'zlashtirish ko'rsatkichi	Baho	GPA	Kredit
1						
2						
3						
4						
5						
6						

**Semestr bo'yicha GPA:**

**Semestr bo'yicha o'rtacha o'zlashtirish:**

Кўқон университетида ўқув  
жараёнига кредит-модуль  
тизимини жорий этиш  
тўғрисида низомга  
4-ИЛОВА

**Кўқон университети баҳолаш тизимини бошқа баҳолаш тизимларига конвертация  
қилиш жадвали**

2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон ОГТлари баҳолаш тизими		Россия Федерацияси баҳолаш тизими		Европа мамлакатлари синов бирликларини кўчирив ўтиши ва тўйлаш тизими		АҚШ баҳолаш тизими (A — Ф)		Буок Британия баҳолаш тизими (%)		Япония баҳолаш тизими (%)		Корея Республикаси баҳолаш тизими (%)		2019 йилга кадар Ўзбекистон ОГТлари баҳолаш тизими		A-Ф	%	Кўқон университети															
«5»	«5»	«A»	«A+»	70 - 100	80 - 100	90 - 100	86 - 100	A+	90-100	«B»	«B+»	60 - 64	70 - 79	80 - 89	71 - 85	Б+	75-79	«C»	«C+»	45 - 49	60 - 69	70 - 79	80 - 89	71 - 85	70-74								
			«A»																														
			«A-»	65 - 69	65 - 69	65 - 69	65 - 69	A-	80-89																								
«4»	«4»	«C»	«B»	«B+»	60 - 64	80 - 89	90 - 100	86 - 100	A-	80-89																							
			«B»	«B»	50 - 59																												
			«B-»	«B-»	40 - 44	60 - 69	60 - 69	60 - 69	C+	65-69																							
«3»	«3»	«D»	«C»	«C+»	45 - 49	70 - 79	80 - 89	71 - 85	A-	70-74																							
			«C-»	«C-»	40 - 44																												
			«D+»	«D+»	40 - 44	60 - 69	60 - 69	60 - 69	C-	60-64																							
«2»	«2»	«F»	«D»	«D»	40 - 44	70 - 79	80 - 89	71 - 85	A-	50-59																							
			«D-»	«D-»	40 - 44																												
«2»	«2»	«F»	«F»	0 - 39	0 - 59	0 - 59	0 - 59	0 - 54	F	0-49																							

Кўқон университетида ўқув  
жараёнига кредит-модуль  
тизимини жорий этиш  
тўғрисида низомга  
5-ИЛОВА

#### **Кредит таълим тизимида баҳолашнинг тавсифи**

<b>Баҳо</b>	<b>Фоиз</b>	<b>Шкала</b>
<b>A+</b>	90-100	4.5
<b>A</b>	80-89	4
<b>B+</b>	75-79	3.5
<b>B</b>	70-74	3
<b>C+</b>	65-69	2.5
<b>C</b>	60-64	2
<b>D</b>	50-59	1
<b>F</b>	0-49	0

Кўқон университетида ўқув  
жараёнига кредит-модуль  
тизимини жорий этиш  
тўғрисида низомга  
6-ИЛОВА

#### **Фан бўйича семестр давомида ўзлаштириш кўрсаткичлари тавсифи**

<b>Жорий баҳолаш</b>			<b>Оралиқ имтиҳон, ОИ</b>	<b>Якуний имтиҳон, ЯИ</b>	<b>Ўзлаштириш кўрсаткичи, ЎзК</b>
<b>Workshop, W</b>	<b>Лойиха, Л</b>	<b>Вазифа / топшириқлар В/Т</b>			
20 %	10 %	10 %	30 %	30 %	100 %

Кўқон университетида ўқув  
жараёнига кредит-модуль  
тизимини жорий этиш тўғрисида  
низомга  
7-ИЛОВА

## Талабаларнинг ўқиши билан боғлиқ инфратузилма хизматлари

### Умумий маълумот:

- Қабул комиссияси ишини ташкил этиш;
- талабаларни фанларга рўйхатдан ўтишини назорат қилиш;
- академик гуруҳларни шакллантириш;
- оралиқ имтиҳон ва якуний имтиҳонни ташкил этиш ва ўтказилишини назорат қилиш;
- маълумотлар базасини шакллантириш ва мунтазам янгилаб бориш;
- таълим олаётган талабаларнинг маълумотларини архивга қадар сақлаш;
- транскрипт формаларни, диплом иловаларини шакллантириш ва талабаларнинг маълумотларини киритиш;
- талабалар контингенти бўйича статистикани юритиш;
- битирувчиларни дипломларини рўйхатдан ўтказиш ва тантанали равишда топширилишини ташкил этиш ва ўтказиш;
- таълимни бошқариш тизимида фанларни рўйхатдан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш, жумладан Университет веб саҳифасида рўйхатдан ўтказиш жараёнини ташкил этиш;
- талабаларни фанлар бўйича рўйхатдан ўтишини тасдиқлаш ва носозликларни тузатиш, тизимни бошқариш;
- талабаларнинг рўйхатларини тузиш ва мувофиқлаштириш;
- талабаларни гуруҳлар ва потокларга бириктириш;
- талабаларга баҳолаш сиёсатини мувофиқлаштириш;
- талабага ўзининг шахсий таълим траекторияси тузиши ва бажарилишини назорат қилишида кўмаклашиш;
- талабаларнинг ўқишини кўчириш, четлаштириш, қайта тиклаш, фанларни қайта ўқиш бўйича ОТТ буйруқларини тайёрлаш ва назорат қилиш.

### Рўйхатга олиш алгоритми:

- Гуруҳ менежерини аниқлаш;
- гуруҳ менежери томонидан талабага таълимни бошқариш тизимиға логин ва парол бериш;
- кафедра мудирлари раҳбарлигида профессор-ўқитувчилар жамоасини томонидан ўтказиладиган фанларнинг таништирув презентацияларига қатнашиш;
- фанларни танлаш тартиби ва қоидалари билан танишиш;
- гуруҳ менежеридан танлов фанлари тўғрисида ўрганиш;
- мажбурий ва танлов фанлари билан танишиш ва фанларга таълимни бошқариш тизидаги талабанинг портали орқали рўйхатдан ўтиш;
- талабанинг таълимни бошқариш тизидаги портали орқали дарс жадвалларини аниқлаш ва дарсларга қатнашиш.

### **Келишилди:**

Академик ишлар бўйича проректор  
О. Шералиев

Ташкилий-молиявий ишлар  
бўйича проректор  
А. Мухамадиев

Академик ишлар департаменти бошлиғи  
Ш.Рўзиев

HR департаменти бошлиғи  
Р. Матмусаев

Илмий-тадқиқот департаменти  
бошлиғи Н. Мурадуллаев

Бизнес ва таълим факультети  
декани Ж.Турғунов

Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва  
маърифат ишлари департаменти бошлиғи  
А. Юнусов

Бизнес кафедра мудири  
Ф. Мулайдинов

Таълим кафедраси мудири  
А. Исламов

Жаҳон тиллари кафедра  
мудири  
Н. Шарафутдинов

Университет кенгаш котиби  
У. Назирова

Халқаро ҳамкорлик  
департаменти бошлиғи  
М. Максудов